

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

“Сув таъминоти ва оқава сув  
объектлари қурилиши бўйича инжиниринг  
Компанияси” УК Сирдарё вилояти  
Худудий бошқармаси бошлиғи



Э.Турдибеков

» \_\_\_\_\_ 2022 йил

СИРДАРЁ ТУМАНИ ОРЗУ МФЙ "ДОРИЛОМОН ВА САРБОН " КЎЧАЛАРИДАГИ 76  
ХОНАДОНДА ЯШОВЧИ 344 ДАН ОРТИҚ АҲОЛИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ ҚУВУРИНИ  
АЛМАШТИРИШ. "ЯНГИ КУН " КЎЧАСИДАГИ 34 ХОНАДОНДА ЯШОВЧИ 141 ДАН ОРТИҚ  
АҲОЛИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ ҚУВУРИНИ ТОРТИШ ОБЪЕКТИНИ ЛОЙИХА СМЕТА  
ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА

# ***ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ***

2022 йил

БАРЧА ЛОЙИХА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг  
Компанияси” УК Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Объект номи:** "Сирдарё тумани Орзу МФЙ "Дориломон ва Сарбон " кўчаларидаги 76 хонадонда яшовчи 344 дан ортик ахоли тоза ичимлик суви қувурини алмаштириш. "Янги кун " кўчасидаги 34 хонадонда яшовчи 141 дан ортик ахоли тоза ичимлик суви қувурини тортиш" объектини лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

**Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 42 000 000 сўм.**

**Ишларни тугаллаш муддати – 30 кун.**

**Буюртмачи:** Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси

**Жойлашган манзили-** Гулистон шаҳар Фирдавсий кўчаси 70-уй,  
телефон- 0-367-225-63-63


**Молиялаштириш манбаси:** Республика бюджети(сув таъминоти ва оқава сув тизимини ривожлантириш жамғармаси)

Танлов иштирокчилари куйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, лицензияга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига ва етарли тажрибага эга бўлишлари шарт.

- ◆ Тасдиқланган танлов ҳужжатлари билан танишиш учун буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) дан юклаб олиш мумкин;
- ◆ Иштирокчи танлов ҳужжатларини махсус ахборот порталида эълон қилинган кундан бошлаб, қабул қилишни охириги муддатигача электрон шаклда топширишлари мумкин.
- ◆ [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) махсус порталига электрон тарзда юкланган таклиф (оферталар) комиссия томонидан кўриб чиқилади.

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши  
бўйича инжиниринг Компанияси” УК Сирдарё вилояти  
ҳудудий бошқармаси бошлиғи:



 Э.Турдибеков

## ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси ДУК Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси танловда иштирок этишга иштирокчиларни таклиф этамиз ва қуйидаги объект бўйича Танлов таклифини электрон тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: "Сирдарё тумани Орзу МФЙ "Дориломон ва Сарбон " кўчаларидаги 76 хонадонда яшовчи 344 дан ортиқ аҳоли тоза ичимлик суви қувурини алмаштириш. "Янги кун " кўчасидаги 34 хонадонда яшовчи 141 дан ортиқ аҳоли тоза ичимлик суви қувурини тортиш" объектини лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш

Объектнинг бошланғич нархи (ККС билан) –42 000 000,00 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати – 30 кун.

Буюртмачи: Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Сирдарё ҳудудий бошқармаси

Лойиҳани молиялаштириш манбаси: Республика бюджети(сув таъминоти ва оқава сув тизимини ривожлантириш жамғармаси)

Танловда таклиф этилган шартлар бўйича мулчилик шаклидан қатъий назар, маҳаллий ва хорижий ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколоти;

Тегишли лицензияларга эга бўлиши;

доимий ходимлари, жумладан техник-муҳандис ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, жумладан, танлов предметида кўзда тутилган ишларни амалга ошириш учун етарли офис техникалари, лойиҳалаштириш учун тегишли электрон дастурларга эга бўлиши;

Молиявий ҳолати:

Танлов предметида ўхшаш объектларда ишлаганлиги бўйича етарли тажрибаси мавжудлиги; бажарилган ишлар, жумладан ўз кучи билан аввал бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Қуйидаги Танлов иштирокчиларига Танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар;

Буюртмачи билан судлашув жараёнида бўлган ташкилотлар.

Танлов таклифини тайёрлаш тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар ва кўрсатмалар танлов иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлов иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш мақсадида, танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари хусусан ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш топшириғини тақдим этилиши ҳақида буюртмачига мурожаат қилишга ҳақли.

Таклифларни топшириш Танлов иштирокчисининг Танлов ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Оферталарни кўриб чиқиш электрон тизим орқали амалга оширилади.

БУЮРТМАЧИ РАХБАРИ:



Э.Турдибеков